

2018 йил 9 ойлик якунларига кўра, Автомобил йўллари давлат қўмитасининг асосий фаолият кўрсатгичлари тўғрисида тахлилий маълумот.


T/p	Асосий фаолият тури бўйича кўрсатгичлар	Ўлчов бирлиги	2017 й 9 ойлик амалда	2018 й 9 ойлик амалда	2017 йилнинг 9 ойликка нисбатан(%)
	Бажарилган иш хажми, жами	млрд.сўм	1223,5	1908	155,9
	шу жумладан:				
1	Инвестиция дастури бўйича	млрд.сўм	*373,1	*534,9	143,4
		км	161,6	165,2	102,2
2	Тўла таъмирлаш ишлари	млрд.сўм	136,2	227,6	167,1
		км	134,0	137,4	102,5
3	Минтақавий йўлларни таъмирлаш	млрд.сўм	232,5	255,0	109,7
		км	2180,0	2321,0	106,5
4	Умумий фойда ланувдаги автомобил йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари	млрд.сўм	481,7	890,5	184,9
		км	2120,0	2950,0	139,2
5	Саноат ишлаб чиқариш хажми	млрд.сўм	206,2	265,7	128,9
6	Янги ишжойларини яратиш	киши	297	579	195
7	Қора металл чиқиндилирини топшириш	тонна	12778,0	12815,0	100,3

* Халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобига, хорижий пудрат корхоналари томонидан бажарилган иш хажми билан бирга.

Қўмитатизимидағи корхона ва ташкилотларда 2018 йилнинг 9ой давомида Инвестиция дастурига асосан умумий фойдаланишдаги автомобильйўлларида 534,9 млрд.сўмлик қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Ушбу кўрсаткич 2017 йилнинг худди шу даврига нисбатан 143,4 фоизниташил этади.


Бунданташқари тўла таъмирлаш дастурига асосан умумий фойдаланишдаги автомобильйўлларида 137,4 млрд.сўмлик таъмир ишлари бажарилди. Букўрсаткич эса ўтган йилининг 9 ойлигига нисбатан 167,1 фоизни ташкил қиласди.

2017-2018 йилларнинг 9 ойлик яқунларига кўра асосий фаолият
кўрсатгичларининг тақослама диаграммаси



2018 йилнинг 9 ойлик якунлари бўйича Республикаиздаги 2321 км минтақавий автомобиль йўлларини таъмирланди. Шу жумладан, Қорақалпогистон Республикасида 119,0 км, Андижонда 248,4 км, Бухорода 170,2 км, Жиззахда 129,2 км, Қашқадарёда 216,7 км, Навоийда 155,3 км, Наманганда 200,4 км, Самарқандда 216,0 км, Сурхандарёда 276,8 км, Сирдарёда 100,9 км Тошкент вилоятида 154,5 км, Фарғонада 195,8 км, Хоразмда 101,0 км ҳамда Тошкент шаҳрида 36,8 км минтақавий автомобиль йўлларида таъмирлашишлари олиб борилди. Минтақавий ички йўллар таъмири ҳажми эса ўтган йилнинг тегишлидаврига нисбатан 106,5 фоизга ошган.

2018 йил 9 ойлик якунларига кўра минтақавий автомобиль йўлларини таъмирлаш (худудлар кесимидағи диаграмма)



2018 йил 9 ойдавомида Республика бўйича автомобиль йўлларида 42695 км узунликдаги йўллардан 890,5 кмдан иборат қисмида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, уларнинг ҳолати яхшиланди. Бу эса 2017 йилининг 9 ойлигига қараганда 184,9 фоизниташкил этади.

Қўмита тизимидағи корхонлар томонидан 2018 йил 9 ойлигига 265,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Мазкур кўрсаткич 2017 йилининг 9 ойлигига нисбатан 128,9 %ни ташкил этганлигини кўрсатади.

Тизим корхонлари томонидан 2018 йил 9 ойлигига 579 та янги иш ўринлари яратилди. Бу кўрсаткич эса 2017 йилининг мосравишдаги тегишли даврига қараганда қарийб икки баравар ортиб, 195,0 фоизни ташкил этади.

Корхонлар томонидан қора металл чиқиндилари топширишкўрсаткичи 2018 йил 9 ойлигига 12815 тоннани ташкил этади. Бу қарийбутган йилги даражада қолиб, камайишга йўл қўйилмаган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг 2018йил 9 ойлигига – умумий бажарилган ишлар хажми – 1908,0 млрд. сўмликдан иборат. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг 9 ойлигигани сбатан бир ярим баравардан зиёдга ошиб, 155,9 фоизни ташкил этганлигини кўрсатади.